

УЎК 635.655 КБК 42.8

СОЯ НАВЛАРИ УРУҒЧИЛИК ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА  
НАВЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

қ.х.ф.д: академик

**Р.И.Сиддиқов**

докторант:

**Э.М.Мўминов**

докторант:

**Ш.Д.Худойбердиева**

(Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти)

**Аннотация:** Бугунги кунда мамлакатимиз деҳқончилигида серҳосил техник экини ҳисобланган соя ўсимлигини хорижий ва маҳаллий соя навларининг биологик хусусиятларига қараб илмий асосланган уруғчилик тизимини ташкил этиши, мамлакатимизнинг барча сугориладиган тупроқлари шароитида соя экини асосий ва такрорий қилиб ўстирилганда ҳам даромадли ҳосил бера оладиган ва самарадорлик даражаси юқори бўлиши билан бирга тупроқларимизнинг унумдорлигини соя ўсимлигининг маҳаллий шароитда яратилган Тўмарис Ман-60, Хосилдор ҳамда хориждан интродукция қилинган Славия, Вилана навларининг илмий асосланган уруғчилиги ташкил этилган.

**Калит сўзлар;** бошоқли дон экинлари, бошоқли дон экинлари, тупроқ унумдорлиги, шамол эрозияси, унумдорлик,

**Abstract:** Today, soybean, which is considered to be a productive technical crop in the agriculture of our country, is a scientifically based seeding system based on the biological characteristics of foreign and local soybean varieties. Tomaris Man-60, Khasildar, and Slavia, Vilana varieties introduced from abroad, were established on a scientific basis

**Keywords;** grain crops, grain crops, soil fertility, wind erosion, fertility,.

### КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Дунё бўйича соядан 2023 йилда 333.7 миллион тоннадан зиёд соя дони етиштириш кўзда тутилмоқда. Бразилия 154 млн, АҚШ 116.3 млн, Аргентина 27 млн, Хитой 20.2 млн, Ҳиндистон 12 млн, Парагвайда 10 млн, Канадада 6.7 млн, Россия Федерациясида 5.9 млн, Украинада 3.2 млн, Боливияда 3.1 млн тонна, Ўзбекистонда 31.0 минг гектар очиқ майдонда соя экилиб 32,4 минг тонна соя дони етиштирилади”. Аммо, аҳолини кундан кун соя оқсиллиги ва мойига бўлган талаби ортиб бориши натижасида янада оқсил ва мой миқдори юқори бўлган соя навларига эҳтиёж ортиб бормоқда.



**Тадқиқотнинг услублари.** Дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва лаборатория таҳлиллари “Умум қабул қилинган услубларда”, биометрик таҳлиллар эса “Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш давлат комиссиясининг услуги”, маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов услуги бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Бугунги кунда мамлакатимиз деҳқончилигида серҳосил техник экини ҳисобланган соя ўсимлигини хорижий ва маҳаллий соя навларининг биологик хусусиятларига қараб илмий асосланган уруғчилик тизимини ташкил этиш, мамлакатимизнинг барча суғориладиган тупроқлари шароитида соя экини асосий ва такрорий қилиб ўстирилганда ҳам даромадли ҳосил бера оладиган ва самарадорлик даражаси юқори бўлиши билан бирга тупроқларимизнинг унумдорлигини соя ўсимлигининг маҳаллий шароитда яратилган Тўмарис Ман-60, Хосилдор ҳамда хориждан интродукция қилинган Славия, Вилана навларининг илмий асосланган уруғчилиги ташкил этилган

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ўтлоқ тупроқлар шароитида (Андижон вилояти мисолида) соя навларини ўғитлар билан озиклантириш тартибини мақбуллаштириш асосида юқори ҳосилдор, доннинг оқсил ва мойлилик кўрсаткичлари саноат талабларига тўла мос келадиган, иқтисодий самарадор оқсил миқдори ва мойлилик даражаси юқорилигини таъминловчи етиштириш технологияси ишлаб чиқилган Соя навлари ўсув даври давомида 4 марта навдорликни таъминлаш мақсадида танловлар олиб борилади. Жумладан, майсалаш босқичида уруғ барг остки тирсагини рангига, гуллаш босқичи гулларни рангига, дуккаклаш босқичи дуккакни шакли ва тукига, пишиш босқичида дуккакни ўлчами шакли қаралади. Биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида 250 та оилалар олинган, шундан иккинчи йил оилалар синаш кўчатзорларда Тўмарис Ман 60 нави 207 та оиладан 160та оила ва 85.6 кг уруг ҳамда Хосилдор нави 204та оилани 164та оилада 91.02 кг уруг олингани аниқланди. Хорижий интродукцион навлар Вилана навида 199 та оилалардан 155 та оила 74.09 кг ва Славия навида 201та оиладан 148 та оила 73.26 кг сара уруғлари олингани аниқланди.

Мирзаев О., Тоғаев А. лар томонидан (2017 й.) олиб борилган илмий тадқиқотларида таъкидлашича, Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлар шароитларида кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда соя экини такрорий экин стфатида экиб, суғориладиган шароитда 1 га майдондан 3-4 тонна дон ҳосили олиш ва вегетация даври давомида 250 кг гача хаводаги азотни ўзлаштириш имкониятига эга эканлигини таъкидлаб ўтган. [1.32-35-б].

Г.Тангриева, И.Содиқовалар (2012) таъкидлашича соянинг “Орзу” ва “Изумруд” навларидан юқори дон ҳосили олиш учун унинг уруғларини экиш олдида азотни фаол ўзлаштирувчи туғунак бактерияларнинг “Нитрагин-137” штамми билан ишлов берилиб, 80 кг/га меъёрда экиш тавсия этилган. [2.30-б]



Тажрибалар Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ўрганилди ва соянинг маҳаллий шароитда яратилган Тўмарис Ман-60, Ҳосилдор ҳамда хориждан интродукция қилинган Славия, Вилана навларининг илмий асосланган уруғчилигини ташкил этилиш ва такомиллаштириш мақсадида соянинг Ҳосилдор навидан 7 та, Вилана навидан 9 та донани ташкил этди ва талабга жавоб бермаган авлодларнинг ўсимликлари чиқитга чиқариб юборилди ва қолган соянинг Вилана навидан 190 та, Ҳосилдор навидан 197 та авлодларни ўстириш давом эттирилди.

Шунингдек, I-нав тозалиги танловларидан энг кам чиқитга чиқарилган авлодлар сони соянинг “Ҳосилдор” навида кузатилди. Жумладан ушбу соя навларининг авлодлари мос равишда 7 та чиқитга чиқарилди. Ушбу соя навининг I-танловлардан ўтган соф авлодлар сони 197 та ни ташкил этди.

**1. жадвал**

**Сояни бирламчи уруғчилигини биринчи бўғини-авлодларини синаш кўчатзоридан ўтказилган I танлов майсалаш босқичидаги натижалар**

	Соя навларининг номи	Жами авлодлар сони	I-танлов майсалаш босқичи.	
			Брак қилинган авлодлар сони	Танловдан ўтган авлодлар сони
	Тўмарис Ман-60	207	10	197
	Ҳосилдор	204	7	197
	Славия	201	10	191
	Вилана	199	9	190

Маълумки соя ўсимлигининг муҳим белгиларидан бири бу тупларда шаклланадиган гулларнинг тожибаргининг ранги ҳисобланади ва у навларни ажратишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Айрим навларда ўсимлик гултожисининг ранги оқ, айримларида тўқ бинафша яна бошқа навда оч бинафша бўлиши кузатилади, кўпинча бу белги ушбу ўсимликни танасидаги туклари, унинг уруғининг уруғ қопчиғининг ранги кабилар билан боғланган ҳолда бўлади.

Ўрганилаётган соя навлари авлодларидаги II-нав тозалигини танловларини ўсимликларда гуллаш босқичи бошланиши билан ўтказилди ва бунда навларнинг хусусиятига кўра оқ, оқ бинафша, тўқ бинафша гултожилик ўсимликлардан фарқ қилган бегона ҳисобланган (оқ бинафша ранг тожибарглиларини) ҳамда зараркурандалар билан кучли зарарланган, ривождан орқада қолган ўсимликлар авлодлари чиқитга чиқарилди.

I-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, соянинг Вилана навидан 17 та, Ҳосилдор навидан 14 та дан, авлодларни чиқитга чиқарилди, танловлардан ўтган авлодлар сони Вилана, навида 173 та, Ҳосилдор навидан 185 та, авлодларни ўстириш



давом этирилган бўлса, ўртапишар Тўмарис Ман-60 навидан 13 та ва эртапишар Славия навидан 12 тадан чиқитга чиқарилган авлодларни ташкил этди. Соф авлодлар сони Славия навида мос равишда 179 та, Тўмарис Ман-60 навида 184 тадан авлодлар белгиланиб уларни ўстириш давом этирилди.

II-нав тозалиги танловларидан кам чиқитга чиқарилган авлодлар сони Славия навида, Тўмарис Ман-60, навларида кузатилди. Жумладан ушбу соя навларининг авлодлари мос равишда 12, 13 тадан чиқитга чиқарилди.

2. жадвал

**Сояни бирламчи уруғчилигини биринчи бўғини-авлодларини синаш кўчатзориди ўтказилган II- танлов гуллаш босқичидаги натижалар**

	Соя навларининг номи	I- танловдан ўтган авлодлар сони	II-танлов гуллаш босқичи.	
			Брак қилинган авлодлар сони	Танловдан ўтган авлодлар сони
	Тўмарис Ман-60	197	13	184
	Ҳосилдор	197	14	185
	Славия	191	12	179
	Вилана	190	17	173

Соя ўсимлигининг навлари одатда дуккакларнинг шакли, хатто кичиклиги, дуккакни учидаги тумшукчасини катта-кичиклиги, бор-йўқлиги сингари белгилари билан ҳам эътибор билан ёндошилса фарқ қилади ва уларни ажратиш олиш мумкин.

Шунинг учун тажрибадаги соя навларининг худди шу тўла дуккаклаш босқичида яна бир марта яъни учунчи маротаба нав тозалигини ўтказилди.

Бунда эътиборни соя навларини дуккаклари каттароқ, юмалоқроқ бўлишига, унинг учидаги тумшукчаси калта ва кичиклигига дуккакни шакли кам эгилган бўлишига қаратилди ва учунчи маротаба нав тозалиги ўтказилди, Айрим навларда эса ўсимликларнинг дуккаклари йирик, ясси эгилган (ўроксимон) дуккакнинг учидаги тумшукча анча йирик эканлигига қаратилди.

Шундай қилиб учунчи танловдан ўтмаган бегона ўсишдан орқада қолган авлодлар сони соянинг ўртапишар Тўмарис ман-60 навидан 15 та, эртапишар Славия навидан 15 та авлодлар брак сифатида чиқитга чиқариб юборилди. Ўстиришда давом этаётган авлодлар сони ушбу кўчатзорлардаги соя навларида Славия ва Тўмарис Ман-60 навларида мос равишда 164 та, 169 та соф авлодларни ташкил қилди.

3- жадвал

**Сояни бирламчи уруғчилигини биринчи бўғини-авлодларини синаш кўчатзориди ўтказилган III- танлов дуккаклаш босқичи натижалари**



	Соя навларининг номи	II- танловдан ўтган авлодлар сони	III-танлов дуккаклаш босқичи.	
			Брак қилинган авлодлар сони	Танловдан ўтган авлодлар сони
	Тўмарис Ман-60	184	15	169
	Ҳосилдор	185	13	172
	Славия	179	15	164
	Вилана	173	14	159

### ХУЛОСА

Сояннинг “Ҳосилдор” навидан 13 та, Вилана навидан 14 та, авлодлар III-нав тозалиги танловларидан чиқитга чиқарилиб танловлардан ўтган авлодлар сони Вилана навида 159 та, Ҳосилдор навида 172 тани ташкил этди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :

1.Иминов А., Холиқов Б. Экиш меъёри ва такрорий экинларнинг тупроқ ҳажм оғирлигига таъсири. Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари.//Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Тошкент, 2006 й.

2.Неъматов У. Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган сояннинг истиқболли «Юг-30», «5334» навларини суғориш режимини ҳосилнинг шаклланишига таъсири.// Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конференция. Тошкент, 2004 й.

3.Орипов Р, Халилов Н – Ўсимликшунослик – Тошкент 2008 йил.

4.Тажиев К. Агро илм-Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги.Такрорий экилган сояннинг ўсиши, ривожланиши ва қуруқ вазин тўплашига стимуляторлар билан ишлов беришнинг таъсири. №2 2021 й.

